



2020 yil « 18 » сентябрь

№ 526-1/

Toyloq sh. – г. Тайляк

**Тумanning Илмобод маҳалла фуқаролар йиғини Найман (Чилдир) қишлоғи ҳудудига ичимлик сув иншооти қуриш ва сув тармоғи тортиш учун ер майдони ажратиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 23 моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 17 июл куни бўлиб ўтган велеоселектор йиғилишда белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 августдаги 01-22/1324-сонли топшириғи ва Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги 4-чақирик, 13-сессиясининг 83/3-сонли “2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастурига вилоят бўйича киритилаётган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифлари тақдироти ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-304-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25 моддаларига асосан,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тойлоқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш (ажратиш) масалалари бўйича доимий шуғилланувчи туман комиссиянинг Илмобод маҳалла фуқаролар йиғини Найман (Чилдир) қишлоғи ҳудудидан сув иншооти қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 0,09 гектар ва сув тармоғи тортиш учун қишлоқ ички йўллари бўйлаб вақтинчалик 0,40 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони ажратиш тўғрисидаги йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Илмобод маҳалла фуқаролар йиғини Найман (Чилдир) қишлоғи ҳудудидан ичимлик сув иншооти қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 0,09 гектар ва сув тармоғи тортиш учун қишлоқ ички йўллари бўйлаб вақтинчалик 0,40 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони ажратилсин.

3. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)га Ер Кодексининг 23 моддаси 5-бандига асосан ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқни белгилаш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш ҳамда йил якуни билан ер тузиш ҳисоботларига ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

4. “Самарқанд сув таъминот” масъулияти чекланган жамияти туман бўлими (Ж.Мўминов)га барча тегишли ҳужжатларни тўплаш, вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясига топшириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман қурилиш бўлими (С.Эралиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)ларга белгиланган ер майдонда, қурилиш учун тайёрланган лойиҳа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қурилиш ишлари бошлаш учун мазкур

ажратилган ер майдонини жойининг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида топшириш юклатилсин.

6. Туман қурилиш бўлими (С.Эралиев)га ичимлик сув иншооти ва сув тармоғи қурилиши тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Ҳожикулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Бабоназаров